

**БЕДА НАВЛАРИ НАВДОРЛИГИНИ ЯҚШИЛАШДА ДАЛА
КУРИКЛАРИНИ ЎТКАЗИШНИНГ АҲАМИЯТИ**

Садиқов Есбосин Полатович
қ.х.ф.н. - лойиҳа раҳбари.

Бердикеев Баймурза Бекмурзаевич
кичик илмий ходим.

Палуанов Сапарбай Оразимбетович
кичик илмий ходим.

Исмайлов Базарбай Кошербаевич
стажер тадқиқотчи.

Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий тадқиқот институти

Аннотация. В целях получения сортовой чистоты посевов семенного питомника люцерны необходимо провести двухкратную сортопрополку. Для достижения 100% чистоты семенного материала необходимо проводит браковку семьи поврежденные вредителями и примесей других сортов.

Аннотация. Беда навларининг навга хослигини яхчилаш учун уруғлик кучатзорида 2 маротаба дала курикларини ўтказиш ва унда ойлаларнинг навдорлиги, зараркунадалар билан зарарланганлиги ва ривожланиш даражаси бўйича чиқитга чиқариш натижасида навдорлигини 100% гача яхчилаш мумкин.

Abstract. In order to obtain varietal purity of alfalfa seed nursery crops, it is necessary to carry out a two-time variety poll. To achieve 100% purity of the seed material, it is necessary to reject families damaged by pests and impurities of other varieties.

Калит сўзлар: Беда нави, уруғчилик, уруғлик кучатзори, дала куриклари, навдорлик, нотипиклик, зараркунадалар билан зарарланиш, оила, чиқитга чиқариш.

Сунги даврда Орол бўйи экосистемасининг бузилиши сабабли, худудтаги ноёб хусусиятга эга маҳаллий қишлоқ хўжалиги экинлари навлари навдорлигининг 40-70% гача паст даражага келиб қолиши кузатилмоқда [3].

1985-1991 йилларда Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий тадқиқот институти селекционер олимлари томанидан яртилиб, районлаштирилган ўзларбеданинг маҳаллий “Қорақалпоқ-15” нави уруғликлари хорижий давлатларга экспорт қилинган. Лекин ҳозирги даврда навнинг навдорлигини яхчилаш бўйича уруғчилик ишлари ташкил этилмаганлаги сабабли, навнинг ҳосилдорлиги камайиб, навдорлиги 50-70% гача пасайиб кетган. Шуларни ҳисбога олганда беданинг “Қорақалпоқ-15” нави навдорлигини яхчилаш ва экспортбоп беда уруғчилигини қайта тиклаш ҳозирги даврда долзарб масала ҳисобланади.

Беданинг “Қорақалпоқ-15” навининг навдорлигини яхчилаш бўйича тадқиқотлар Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий тадқиқот институти тажриба хўжалигида 2022 йили уруғлик кучатзорида Ем-хашак экинлари уруғчилигини ўтказиш услублари [1], [2] асосида олиб борилди.

Тажриба режаси бўйича уруғлик кучатзорда 85 та ойла 60x25-1 схемада экилди. Ойлар 4 қатордан иборат бўлиб, пайкал узунлиги 50 метр, эни 2,4 метр, ҳар бир пайкал сатҳи 120 м², умумий 1 чи йилги уруғлик кучатзорида ҳисобга олинган тажриба майдони 10200 м² ни ташкил этди.

Беданинг вегетация даврида кучатзорлардаги ойларда морфологик ва фенологик кузатувлар, уруғликларнинг хўжалик қимматли хусусиятлари бўйича таҳлиллар олиб борилди.

Беда навдорлигини яхшиқлаш мақсадида 1 чи йил уруғлик кучатзорида ойларда дала куриклари икки маротаба ўтказилди. Жумладан: биринчи дала куриги ойларда 1 чи уроқгача беда гуллаши бошланиши даврида ва иккинчи дала куриги 2 чи уроқгача беда гуллаши бошланиши даврида ўтказилди. Дала куригида навнинг навдорлигини яхшиқлаш учун асосий итибор ойларнинг навга хослигига (типиклигига) қаратилди. Шунингдек, ойлардаги ўсимликларнинг касалланиши, заракунандалар билан зарарланиши, ривожланиш даражаси бўйича баҳоланди ва чиқитга чиқарилди.

Тадқиқот даласида бедани фитонемус зараркунандаларидан ҳимоя қилиш учун кучатзорда беданинг 1 чи уроқгача 2 маротаба инсектицид NURELL – 55% ем.к. препарати билан 0,5 л/га (10 литр сувга 10 гр) меёрида ва 2 чи уроқгача 2 маротаба DELPHOS – 36% препарати билан 0,5 л/га (10 литр сувга 10 гр) меёрида ҳашаротларга қарши ишлов берилди.

Биринчи йил уруғлик кўчатзорида 1 чи дала куриги беданинг 1 чи уроқгача гуллаш даврида 10-20 июн кунлари ўтказилди. 1 чи дала куриги натижасида 6 та ойла навга хос бўлмаганлиги сабабли (нотипиклиги), улардаги жами 1925 дона ўсимликлар чиқитгачиқарилди. Шунингдек, 9 та ойла пайкалларида туп қалинлиги мёрдан 50-70% гача кам бўлганлиги, яни сийраклиги учун, улардаги жами 2555 дона ўсимликлар чиқитга чиқарилди. 1 чи дала куриклари натижасида 1 чи йилги уруғлик кучатзоридаги чиқитга чиқарилмаган ойлардан нотипиклиги бўйича 520 дона ўсимлик, зараркунандалар билан зарарланган 645 дона ўсимлик, ривожланиши паст бўлганлиги сабабли 412 дона ўсимлик чиқитга чиқарилди. Жами биринчи йилги уруғлик кучатзорида 1 чи дала куриги натижаси бўйича 85 та ойладан 15 ойла ва улардаги 4470 та ўсимликлар чиқитга чиқарилди. Чиқитга чиқарилмаган 70 та ойлардан 1577 дона ўсимликлар нотипиклиги, ривожланиши ва зараркунадалар билан зарарланганлиги сабабли чиқитга чиқарилиб даладан уриб олинди.

Биринчи йил уруғлик кучатзорида иккинчи уроқгача 15-25 август кунлари беданинг гуллаш даврида иккинчи дала куриклари ўтказилди. Иккинчи дала куриги натижасида биринчи йилги уруғлик кучатзоридаги 70

та ойладан 4 ойла чанқаб қолганлиги сабабли, улардаги ўсимликлар сони 1208 та, 2 ойла зараркунандалар билан зарарланганлиги сабабли, улардаги ўсимликлар сони 600 та, шунингдек 11 та ойла улардаги ўсимликлар ривожланиши паст бўлганлиги сабабли, улардаги ўсимлик сони 8223 та, чиқитга чиқарилди. Иккинчи дала куриги натижаси бўйича жами 17 ойла ва улардаги 9431 та ўсимликлар чиқитга чиқарилди.

Шунингдек, биринчи йилги уруғлик кучатзорида 2 чи дала куриги натижасида чиқитга чиқарилмаган ойлаларда 363 та ўсимлик нотипиклиги (навга хос бўлмаганлиги) бўйича, 361 та ўсимлик зараркунандалар билан зарарланганлиги сабабли, 294 та ўсимлик ривожланишдан ортта қолганлиги сабабли чиқитга чиқарилди.

1 чи йилги уруғлик кучатзоридаги дала куриклари натижалари

№	Яроқсизга чиқарилган сабаблари	1 чи дала куриги		2 чи дала куриги		Жами яроқсизга чиқарилди			
		Жами яроқсизга чиқарилди, дона		Жами яроқсизга чиқарилди, дона		Ойлалар сони, дона	Улардаги ўсимликлар сони, дона	Яроқсизга чиқарилмаган ойлалардаги ўсимликлар сони, дона	Яроқсизга чиқарилган жами ўсимликлар сони, дона
		ойлалар	Яроқсизга чиқарилмаган ойлалардаги ўсимликлар сони	ойлалар	Яроқсизга чиқарилмаган ойлалардаги ўсимликлар сони				
1	Нотипиклиги	6	520	-	363	6	1925	883	2808
2	Зараркунандалар билан зарарланган	-	645	2	361	2	600	1006	1606
3	Сийраклиги бўйича	9	-	-	-	9	2555	-	2555
4	Чанқаб қалганлиги бўйича	-	-	4	-	4	1208	-	1208
5	Ривожланиши бўйича	-	412	11	294	11	8223	706	8929
	Жами	15	1577	17	1018	32	14511	2595	17106

Тадқиқот бўйича биринчи йилги уруғлик кучатзорида 1 чи ва 2 чи дала куриклари натижасида 85 та ойладан 32 ойла ва улардаги жами 14511 дона ўсимликлар чиқитга чиқарилди.

Дала куриклари натижасида чиқитга чиқаришдан қолган 53 та ойлаларни нотипик зараркунандалар билан зарарланган, ривожланишдан ортта қолган ўсимликлардан тозалаш натижасида улардан 2595 та ўсимликлар чиқитга чиқарилди. Навнинг биринчи йил уруғлик кўчатзоридаги 1 чи ва 2 чи дала куриклари натижасида нотипиклиги бўйича чиқитга чиқарилган ойлалари беда гуллаши бошланиши даврида тулиқ уриб олинди. Шунингдек, чиқитга чиқарилмаган ойлалардаги чиқитга чиқарилган ўсимликлар пайкаллардан уриб олиниб дала чеккасига чиқарилди.

Тадқиқот натижасида 2 та дала куриклари натижасида келгуси йилга уруғлик тайёрлаш учун наводорлиги яхчиланган 53 та ойла танлаб олинди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шундай хулоса қилишимиз мумкинки, наводорлиги камайиб кетган беда навларининг навга хослигини яхшилаш учун уруғлик кучатзорларида 2 маротаба дала курикларини ўтказиш ва унда ойлаларни беданинг наводорлиги, зараркунандалар билан зарарланганлиги ва

ривожланиш даражаси бўйича чиқитга чиқариш натижасида навнинг наводлигинини 100% гача яхчиланишига эришиш мумкин.

Адабиётлар

1. Бескорвайный В.Я., Волошин М.И., Маслов Г.Г. и др. Рекомендации по выращиванию люцерны на семена. //Рекомендации. Краснодар, 1987. - С.51.
2. “Методический указания по производству семян кормовых культур” 1978.
3. Хожасов А., Утепбергенов А., Абдуллаев Б. Организация сортового семеноводство люцерны в Каракалпакстане. //Вестник Каракалпакского Академий наук Республики Узбекистан.-2017.-№5.-Б.59.